

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Тарих факультети “Жаҳон тарихи” кафедраси

Абдулқодирова Зебинисонинг

МАЛАКАВИШ БИТИРУВ ИШИ

**Мавзу: “Интеграцион жараёнларнинг бугунги кундаги
аҳамияти ва унинг мамлакатлараро муносабатларга таъсири
(1992-2013 йиллар)”**

Илмий раҳбар:

т.ф.н.доцент Гаффоров Я.Х.

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

Кириш

I БОБ. Жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш тарихи ва мамлакатлараро ҳамкорлик асослари.

1§. Мамлакатлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик жараёнлари

2§. Халқаро ташкилотлар фаолиятида минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари

II БОБ. Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятлари.

1§. Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда мамлакатлараро ҳамкорлик

2§. Ўзбекистон Республикасининг халқаро тадбирлардаги ҳамкорлик ташаббуслари

III. Хулоса

IV. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Асримиз бошларидан бошлаб халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик муносабатларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Мазкур ҳамкорликлар ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан тенглик асосида ҳар бир давлатларнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ташқи олам билан алоқа ўрнатишни ривожлантиришда халқаро валюта, молия, механизмдан фойдаланиш, шунингдек халқаро институтлар томонидан жамиятнинг барча соҳаларининг ислоҳ қилиш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида молиявий, техникавий, ва консултив ёрдам олиш учун ниҳоятда зарур.

Халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик айниқса халқаро терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, ҳамда наркобизнесга қарши биргаликда кураш олиб бориш шунингдек айрим минтақаларни ядровий қуроллардан ҳоли зона деб эълон қилиш муаммосини ҳал этиш учун жуда зарур. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни хавфсизликни тامينлаш жамият ҳаётида юз бераётган ислоҳатларни янада чуқурлаштириш бўйича давлатлараро жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим шартларидан бири асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳар томонлама ҳамкорликларни тарихийлик жихатидан ўрганиш бугунги кун ва келажакимиз ёшлари учун ғоят муҳимдир.

Ҳозирги вазиятда интеграцион жараёнлар халқаро ташкилотлар билан алоқаларда тобора бошқача аҳамият касб этмоқда. Катта ёки кичиклигидан қатъий назар барча мамлакатларнинг ўзаро марфаатдорлик асосидаги ҳамкорлигининг умумдемократик асослари тан олинмоқда. “XXI аср деб ёзади И.А.Каримов,-шубҳасиз халқаро муносабатларда бутун дунё камраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақазоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам шунингдек, умуман бутун сайёрамиз кўламида ҳам,

собит қадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур”.¹
Бундай ҳамкорлик ҳеч бир мамлакатнинг манфаатларини камситмайди.

Мақсад ва вазифаси. Ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорлик масаласи илгари собиқ мамурий бўйруқбозликка асосланган тоталитар тузум даврида шу қадар чеклаб қўйилган эдики, бундай шароитда бошқа мамлакатлар билан, айниқса ҳалқаро ташкилотлар билан мустақил равишда алоқалар ўрнатиш ҳусусида гапириш ҳам мумкин эмас эди. Фақат асримиз охири XIX асрга келиб яъни, миллий мустақиллик қўлга киритилгандан кейингина дунёнинг жуда кўп давлатлари жумладан Ўзбекистон учун ҳам турли давлатлар, турли ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий-маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатиш имконияти пайдо бўлди. Бундай ҳамкорликдан мақсад эндиликда тасодифий узқ-юлуқ равишда эмас, балки доимий ҳамда ҳаётнинг барча саҳаларини қамраб олувчи кенг миқёсли алоқалар тарзида амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифаси шу асосида дунё ҳамжамиятига кирувчи давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таҳлил этишдир. Чунки бу ҳалқаро ташкилотларнинг тинчлик ва ҳавфсизликни тامينлашдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий, инсон ҳуқуқлари билан муаммоларини ҳал этишда аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам бу ҳалқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорликда амалга оширилаётган самарали ишларнинг ва ютуқларни ўрганиш асосий вазифамиздир. Бу вазифалар “Ҳалқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан алоқалар қанчалик чуқур ва кенг бўлса улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсирашлар, муаммолар ва ҳал қилинмаган масалалар, кутилмаган воқеа ҳодисалар шунчалик кам бўлади. Худди шу нарса ҳавфсизликка солинаётган таҳдидларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни тامينлашнинг зарур шартидир.”²

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Ҳалқаро ташкилотлар ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997йил, 298-бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997йил, 300-бет

давлатлараро ҳамкорлик самародарлигини ошириш муаммолари кўпгина хорижлик олимлар ва Ўзбекистонлик мутахассис олимлар эътиборини ҳамиша жалб этиб келган. Айниқса мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг халқаро ташкилотлар ва дунё давлатлари билан ўзаро иқтисодий-маданий васиёсий ҳамкорликлари кўплаб олимларимиз ва шу соҳа билан қизиқувчилар томонидан ўрганилиб илмий таҳлил этилди. Жумладан, Ч.Ш.Кўчаров, А.Қирғизбоев, Қ.Усмонов, А.Саидов, Р.Ҳакимов, Ш.Асадов, А.Турсунов, Ҳ.Юнусов, А.Бобоев, Б.Тўраев, У.Убайдуллаев, З.Музаффаров, И.Норматов, В.Тюриков, Р.Шоғуломов, Ш.Қудратхўжаев, З.Нуриддинов, Е.Г.Ляхов, И.И.Лукашук, Н.Н.Афанасьев, М.А.Абдухолиқов, А.К.Расулов, М.А.Ражабова, В.Норов, Х.Муродов, Н.Мухаммадиев, ва Я.Ғаффоров, А.Холлиев ва бошқалар¹ томонидан ўрганилиб халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорликлар ёритилган. Масалан Ч.Ш.Кўчаровнинг “Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари” китобида минтақавий интеграцион жараён, гесиёсий ҳолат ва унинг регионал характердаги муаммолар ечими таҳлил этилган. Шунингдек китобда ҳозирги глобаллашув шароитида марказий Осиё интеграцияси минтақа таракқиётининг прогрессив тенденцияси сифатида қараб чиқилган ҳамда минтақадаги геосиёсий, геоиқтисодий ва геостратегик характердаги муаммолар ечимини таъминлашда мавжуд ички ва ташқи омиллар таъсири таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Илмий тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ташкилотлар ва давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиш тарихи, давлатимизнинг халқаро мавқеини ошириш ва жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш концепциясига доир мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов фикрлари, нуфузли халқаро анжуман ва ташкилотлардаги маърузалари ва фундаментал асарлари хизмат қилади. Шу билан биргаликда

¹ Ч.Ш.Кўчаров. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т. “Фан”, 2008 йил;

оммавий ахборот воситалари томонидан чоп этилган нашрлар ҳам методологик асос сифатида хизмат қилади. Битирув ишини назарий манбаси тарихчи, сиёсатшунос, файласуф, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, иқтисодчиларнинг монография ва мақолалари бўлди. Илмий тадқиқотнинг асосий илмий услуби-таҳлил этилаётган муаммога объективлик, аниқлик ва тарихий асосида ёндошишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Интеграцион жараёнларининг бугунги кундаги аҳамияти ва унинг мамлакатлараро муносабатларга таъсири тарихини ўрганиш алоҳида бир тарихий аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда кўпгина муаллифлар томонидан халқаро ташкилотлар ҳамкорли жараёнлари ва давлатлараро ҳамкорликлар муносабатлари иқтисодий-маданий ва сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилимоқда. Лекин ушбу илмий тадқиқотларнинг аксарияти умумий тарзда, айниқса давлатлараро алоқалар қисқароқ ёритилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, ишда интеграцион жараёнлар ва давлатлараро ҳамкорлик даврининг кенглиги ҳамда 1992 йилдан 2013 йилгача бўлган маълумотларнинг киритилганлиги айниқса БМТ, ЕҲХТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЭКО, ГУУАМ, МОҲТ, ЕИҲ, ШХТ, МДҲ ва бошқа ташкилотлар ҳақида, уларнинг нафақат ўзаро балки давлатлар ҳам яқин манфаатли иқтисодий-маданий ва сиёсий ҳамкорликларини ҳар томонлама кенг миқёсда илмий таҳлил қилишдан иборатдир. Булардан ташқари битирув ишида Президентимиз И.А.Каримовнинг давлатимизнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши, уларнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиши, ҳамда мамлакат обрў-нуфузини кўтаришда кўшган буюк ҳиссалари ҳам кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Илмий ишдаги асосий қоидалар ва хулосалар тадқиқ этилаётган мавзунинг ишлаб чиқишига қўшилган муҳим ҳиссадир. Мазкур қоида ва хулосалар жаҳон ҳамжамиятида интеграцион жараёнларнинг бугунги кундаги аҳамиятини ва давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдамлашади, барча давлатларнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Битирув

иши материалларидан мамлакатимизнинг ташқи сиёсати, халқаро ташкилотлар билан ўтказиладиган муҳим тадбирларни режалаштириш ва уни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Илмий тадқиқот материалларидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ижтимоий-гуманитар йўналишлари айниқса “Ўзбекистон тарихи”, “Жаҳон тарихи” ва “Сиёсатшунослик” фанларидан маъруза ва семинарлар ўтказилиши жараёнларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Илмий ишнинг тузилиши. Илмий тадқиқот иши кириш, иккита боб, тўртта параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. Жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш тарихи ва мамлакатлараро ҳамкорлик асослари.

1§. Мамлакатлараро ҳамкорлик ва ҳамжихатлик жараёнлари.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, мамлакатлараро интеграция жуда мураккаб ижтимоий сиёсий жараён ҳисобланади. Унда иштирок этадиган давлатлар умумий манфаатлар тизимини яратиш орқали халқ хўжаликларининг уйғунлашуви ва жаҳон бозорида рақобатбардошликка эришиши мумкин.

Интеграция тушунчасини илмий таҳлил қилингандагина унинг асл моҳиятини англаб етиш мумкин бўлади. Интеграция назарияси-халқаро муносабатлар фанининг ажралмас қисми сифатида маълум минтақалардаги интеграцион жараёнлар тўғрисида илмий мулоҳаза юритишда ва уларнинг амалий моҳиятини кенг ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги ҳаёт тажрибаси шуни яққол кўрсатмоқдаки, у ёки бу мамлакат ёки халққа қарши куч ишлатиш, орадан низо чиқариш ўзгаларга тажовуз қилиб ҳеч бир мамлакат ва халқ умуман жаҳон ҳамжамияти тараққиётга эришиши мумкин эмас. Ҳозирги дунёда истиқболли сиёсий муносабатларни куч ишлатиш йўли билан ўрнатиб бўлмаслиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Шу сабабли эндиликда сиёсат ўз таркибига инсонпарварлик ва ахлоқийлик тушунчаларини ҳам қамраб олмоқда².

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар “Совуқ уруш” йилларида бўлган каби кучлар мувозанатига эмас балки умуминсоний манфаатларини тан олган ҳолда миллий манфаатларини инобатга олувчи манфаатлар келишувлар мувозанатига асосланмоғи лозим, ўз манфаатларини катта ёки кичик бўлишидан қатий назар ўзга мамлакатлар ва халқлар ҳисобига қондиришга интилиш муқаррар равишда тузатиб бўлмас салбий оқибатларга қуролли тўқнашувларга олиб келади.

Агар дунё ҳамжамияти мамлакатлари манфаатларининг мувозанатини шакллантиришга объектив равишда олиб боровчи умуминсоний эҳтиёжларини

² Семплен Ж. Выход из насилия: глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М. 1990. С.84.

аниқлаш лозим бўлса бизнинг назаримизда улар қуйдагилардан иборат бўлади. Биринчидан, барча мамлакатлар манфаатларига даҳлдор бўлган инсониятнинг яшаб қолиш эҳтиёжи билан боғлиқ манфаатлар. Ер юзидаги барча тирик жонзодларни ҳалокатга маҳкум қилувчи ядро уруши экологик инқирознинг олдини олишга йўналтирилган барча мамлакатлардаги кучларни бирлаштириши бугунги куннинг асосий талабидир.

Иккинчидан, миллатидан қайси ҳудудда истиқомат қилишидан мафкуравий ва диний этиқодидан қатий назар одамзод homo sapiens-вакилига нормал ҳаёт кечириш учун барча шарт шароитларни яратиш зарурияти. Бунинг энг тўғри йўли умуминсоний маданият намуналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва тўплаш, умуминсоний ахлоқ қоидаларини ҳамма жойда ўрнатиш ва унга амал қилишни жорий қилишдан иборатдир. Ҳар бир инсон шуни яхши англаб олмоғи керакки ҳеч бир халқ ўзини дунё ҳамжамияти маданиятидан Хитой девори билан ўраб олган ҳолда ёки уни ҳисобга олмасдан ўз маданиятини ривожлантириш мумкин эмас.

Учинчидан, барча мамлакатлар ва минтақаларни ўраб олувчи ҳозирги замон илмий-техника инқилоби базасида янги иқтисодий тартибни ўрнатиш. Ана шу асосида ҳўжалик фаолияти натижалари билан изчил равишда ўзаро алмашинув, имтиёзли кредитлар бериш мутахассислар илмий тадқиқот натижалари ва ишланмалар билан амалий ёрдам кўрсатиш¹.

Буларнинг барчаси бугунги кунда янги мингйиллик бошларида бирор мамлакат ўз ҳолига ҳалқаро муаммоларни балки ўзига алоқадор муаммоларни ҳам ҳал эта олмаслидан далолат беради “Бутун дунё яҳлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда деб ёзади И.А.Каримов, унда ўз-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ”².

Шунинг учун ҳам барча мамлакатлар уларнинг ҳукуматлари ва етакчилари биринчи навбатда ушбу омилларни тушунишлари ва XXI аср

¹ А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т.Фан. 2004 йил, 23-24 бетлар.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т “Ўзбекистон” 1997,298-бет.

талабларига жавоб бера оладиган ривожланган халқаро муносабатларини ўрнатиш учун барча сиёсий саъи ҳаракатларни кўрмоқликлари зарур.

Бугунги кунда айрим минтақа ва мамлакатларнинг миллий биқик хўжалик юритиш тизимини синдиришга, меҳнатнинг халқаро тақсимланиши ва мамлакатларнинг ҳар томонлама ўзаро боғлиқлигига олиб келувчи йирик саноат ишглаб чиқариши билан боғлиқ равишда дунёда юз бераётган интеграцион жараёнлар давлатлар, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асосини ташкил қилади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар томонлама саноатлашув ва йирик ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши эртами кечми, муқаррар равишда мамлакат ичкарасидаги майда, ўзига хос ишлаб чиқариш тузилмаларининг парчаланишига олиб келади. Йирик ишлаб чиқариш тузилмаларининг пайдо бўлиши, уларнинг миллий давлат ишлаб чиқариш чегараларидан чиқиши, шунингдек, аста-секинлик билан ягона умумжаҳон бозорининг шаклланиши, меҳнатнинг халқаро тақсимланиши ва шу асосида турли мамлакатларнинг ҳамкорлик қилишларини таъминлайди. Ушбу ҳолат “Мажбурий” зарурат йўли билан ўзига йўл очиб бораётган объектив жараёндир.

Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ўзига хос қиёфа касб этади. Энди уларнинг фаолият юритиши ва такомиллаштирилиши айрим бир мамлакатнинг ички имкониятларидан фойдаланишга асосланиб қолмай, балки халқаро омилларга ҳам таяниши керак бўлади. Кўплаб корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнлари биргина мамлакат доираси билан чекланиб қолмасдан, унинг чегарасидан ташқари ҳам чиқади. Интеграцион жараёнлар кечаётган бир шароитда фаолият юритиш, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва такомиллаштириш бошқа мамлакатларнинг материалларини, хом-ашиёларини, ресурсларини, харид бозорларини, замонавий технологияларини ҳам жалб қилишни тақазо этади. Бу эса ўз навбатида мамлакатларнинг бир-бири билан боғлиқ тарздаги алоқаларга киришишига олиб келади. Улар энди инвестициялар, қўшма корхоналар, халқаро банклар ташкил этиш, ўзаро савдо-сотик қилиш,

хўжалик ривожланишини икки томонлама манфаатларга мослаштириш борасида ҳамкорлик қилиб, мувоффақиятли равишда тараққий этишлари мумкин бўлади. Шунингдек бу ҳолат мамлакат ичкарасида иқтисодийнинг тизимларини қайта қуришга олиб келади. Унинг жадаллик билан ривожланишига, хомашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга аҳоли фаровонлик даражасининг ошишига, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳамда уни фақат ички эҳтиёжларигагина эмас, балки ташқи бозорга йўналтирилишига ҳам кўмаклашади.

Агар интеграцион жараёнларга сиёсий нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак, унда ҳалқаро муносабатларда албатта сиёсий низолар чиқиши шубҳасиз. Сўнги йилларда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ ва кўнгиллилик асосида куч таъсирсиз, миллий давлат манфаатларига дахл солмаслик, ички ишларга аралашмаслик, мустақиллигига ва давлат суверенитетига тажовуз қилмаслик асосида барпо этилмоқда. Мамлакатлар ўртасида куч ишлатиш йўли билан, бир мамлакатнинг иккинчисини ўзига бўйсундириш, тенгсизликка, кучли давлат манфаатларинигина кўзлаб ўрнатиладиган алоқалар даври аллақочон ўтиб кетди. Таниқли тарихчи олим Г.Дилигенский ёзганидек: “Бой мамлакатлар ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидаги айнин ана шу қарама-қаршилиқ глобал цивилизациянинг яхлитлигига асосий хавфни туғдиради ва уни ҳал этмай туриб, цивилизациянинг илгарилашувига эришиб бўлмайди”¹.

Ҳамкорлик жараёнида кучларни бирлаштириш, у ёки бу сиёсий қарорларни қабул қилишда муайян давлат санкциялар асосида ҳамкорликдаги ҳаракатларини расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Бу аввало, давлат (божхона) тўсиқларини бартараф этиш, хорижий сармояларни жалб қилиш, инвесторлар, қўшма корхоналар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва хоказолардан иборатдар. Бу ерда гап, охири-оқибат ишлаб чиқариш тузилмаларини қайта қуриш, табиий

¹ Дилигенский Г.Г. “Конец истории” или смена цивилизаций? Журн. “Вопросы философии”. 1991 год. N3, С 30.

ресурслардан самарали ва ўзаро манфаатдорлик асосида фойдаланиш имконини берувчи, капитал маблағлардан фойдаланиш шароитларини яхшиловчи, бозор муносабатларининг устувор жиҳатларини намоён этувчи жамият ҳаётини демократлаштирувчи, шу асосда ишлаб чиқариш кучларининг жадаллик билан ривожланишига, мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумдемократик тамойилларнинг қарор топишига ёрдам берувчи сиёсий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш хусусида бормоқда.

Мамлакатларнинг сиёсий соҳаларидаги интеграцияси ҳақида гап борар экан, яна бир объектив ҳолатни ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу мамлакатларнинг, хусусан Осиё минтақасининг хавфсизлигини ва сиёсий барқарорлигини таъминлашдан иборат. Хавфсизлик дейилганда, сиёсий, харбий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий хавфсизликни тушунмоқ керак. Бу соҳадаги ҳамкорлик барча мамлакатларнинг қайси мафкурага амалга қилишидан қатъи назар, бағрикенглик, фикрлар хилма-хиллиги асосига қурилиши лозим. Бир пайдан қолган доғмалар, ҳар бир кўшнида ўз душманини кўриш одати бугунги кунда мамлакатлараро муносабатларни ўрнатишга имкон бермайди.

Интеграциялашув жараёнларида ва давлатлараро муносабатларни демократлаштиришга асосланган янги дунёвий тартибларнинг ўрнатилишида халқаро институтлар ҳамда ташкилотлар катта аҳамият касб этади. Улар орасида, аввало, таркибида суверен давлатлар ваколатларининг бир қисмини давлатларнинг бошқарувчи идораларга олиб бериш амаллари юз берадиган институтларни алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Бундан ташқари халқаро муносабатлардаги нодавлат ижрочиларининг сони ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. П.А.Циганков таъкидлаб ўтганидек “Бизнинг давримиз давлат миллатлар северенитетига асосланган халқаро тартиблардан институтлар томонидан тартибга солинадиган дунёвий тартибга ўтиш давридир. Мазкур институтларнинг қонуний ҳуқуқлари халқаро муносабатларининг барча иштирокчилари северенитетининг доимий равишда ошиб борувчи ва

ихтиёрий равишда узоқлашиб бориладиган улушидан ташкил топади”¹.

Дунёдаги интеграциялашуви жараёнлари ягона ва яхлит дунёни шакллантириш, мамлакатлараро ҳамкорликка объектив тарзда таъсир кўрсатади. Бундай ҳамкорликни талаб қилинишини унутмаслик керак.

Биринчидан, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ҳар бир мамлакатда амалга ошириладиган барқарор ва доимий равишда илгарилаб, боровчи иқтисодий ва маданий тараққиётсиз, бозор муносабатларини ўрнатмасдан, импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун ҳам мулжалланиши мумкат бўлган ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан амалга ошириш мумкин эмас. Бунинг учун ҳар бир мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, миллий мустақиллик ва давлат суверенитетини кучайтириш, миллий онг ва миллий маданиятни ривожлантириш керак бўлади. Фақат шу йўл билангина тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш, бошқа мамлакат таъсирига тушиб қолмаслик мумкин.

Иккинчидан, сўнгги йиллардаги ҳалқаро муносабатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатларнинг интеграциялашув жараёнидаги ҳамкорлиги учун ҳар бир мамлакатда сиёсий барқарорлик ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик ўта зарурдир. Маълумки, бирор мамлакат ўз сармоясининг яхши самара беришга ишонмаса, иккинчи бир давлатга сарфламайди.

Учинчидан, ўзаро ҳамкорлик маълум қонуниятлар асосида ривож топади алоҳида олинган бирон-бир давлат тузилмаси доирасида мавжуд қонуниятларидан фарқ қилади. Уларни маълум маънода ҳамкорлик доирасига уюшган давлатларнинг ривожланиши қонуниятлари деб ҳам аташ мумкин. Бироқ, бу қонуниятларни муайян давлатларнинг ички қонуниятлари билан аралаштирмаслик керак. Шунинг учун ҳам у ёки бу мамлакат ички ривожланиш қонуниятларини ҳамкорликдаги бошқа барча давлатларга татбиқ қилиш ёки сингдиришга уриниш нотўғри ва мутлақо ноқонуний бўлур

¹ Цыганков П.А. Международные порядок: между прошлым и будущим. журн. “Социально-политические науки”, 1991 г, N2.C32.

эди.

Тўртинчидан, ҳамкорликка аъзо бўлиш, ички вазифаларни ҳал этиш учун ишлаб чиқариш кучларидан ҳамкорликда фойдаланишга алоқадор қандайдир умумий манфаатларнинг мавжудлиги сабаб бўлмоғи керак. Бу умумий манфаатларнинг манбаи шундаки, баъзи мамлакатлар, айниқса, кам ривожланган давлатлар, обектив сабабларга кўра тараққиётда орқада қолиб, ўз кучлари билан ишлаб чиқариш даражаларини замонавий дунё меъёрлари даражасига олиб чиқа олмайдилар. Бунинг учун улар ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишлари, уларнинг маблағларидан, технологияларидан, илмий-техник ютуқларидан фойдаланишлари зарур.

Мамлакатларнинг ўзаро интеграция жараёнларига интилишларини ҳам айнан ана шу сабаблар билан изохлаш мумкин. Зеро, ўз имкониятларини бирлаштириш орқали иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ривожлантиришни жадаллаштириш дунё ҳамжамиятига кириб бориш, бирикиш учун қулай шароитлари таъминлаш мумкин бўлади.

Бугунги ҳаётимиз қарор топиб бораётган турмуш тарзи шунини кўрсатмоқдаки, жаҳондаги интеграциялашув жараёнлари кенг қулоқ ёзиб бораётган бир шароитда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик, ҳамжихатлилиқ муҳим заруриятга айланди. Бу муносабатлар, аввало, умумий манфаатларини англаш, миллий ўзига ҳос хусусиятларни ҳурмат қилиш, умуминсонийлик қадриятлари устуворлигини этироф этиш асосида қурилмоғи лозим. Гап шундаки, халқаро муносабатлар глобаллашаётган бир пайтда бирор бир мамлакат ёки бирор халқ ўзга бир мамлакат ёки халқнинг манфаатларини ерга уриш, қадрсизлантириш эвазига ўз манфаатларини қондира олмайди. Ҳозирги кунда мавжуд термоядро уруши хавфи остида, экологик инқироз шароитида нафақат ижобий ўзгаришлар, балки салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлган замонавий илмий-техник инқилоб шароитида инсоннинг фаровон ва бахтли ҳаётини таъминлашга бўлган интилишлар барча мамлакатларнинг бир ёқадан бош

чиқариб, ҳамжихат бўлишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.¹

Интеграциялашув жараёни мамлакатлараро алоқаларни умумий кунуниятларга бўйсундира боради, шу боис ҳам, бундай шароитда бирор мамлакатнинг фақат ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши самара бермайди. Бинобарин, бугунги кунда дастлаб муайян тармоқларни иккинчи бир мамлакатда давом эттирилмоқда. Бундай ҳол барча мамлакатлардан ҳамжихат ва ҳамкор бўлишни тақозо этмоқда. Айти шу ҳол туфайли ҳаётимиз ўзаро манфаатли инвестициялар, қўшма корхоналар яратиш, халқаро банклар ўртасидаги ҳамкорликлар, савдо-иқтисодий алоқалар қарор топмоқда.

Иқтисодий ҳамкорликлар негизида фан, сиёсат, маданият ва маориф соҳасидаги ҳам изчил ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Барча даврларда ҳам бугун инсоният цивилизацияси миқёсидаги маданиятнинг такомиллашуви учун турли маданиятларнинг ўзаро таъсир муҳим аҳамият касб этаган.

Мамлакатлараро ҳамкорлик имкониятларидан яна бири умуминсоний маданият, барча маданиятларнинг синтезидан иборат. Маданиятларнинг ўзаро таъсири жараёнида энг муҳим жиҳат бу мамлакатлари фундаментал илмий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ҳамкорлиги, маориф дастурларини ишлаб чиқиш, кадрлар таёрлаш соҳасида ҳажихатлигидир. Бундай ҳамкорликсиз инсоният ҳаётининг бирор бир соҳасидаги мувоффақиятга эришиб бўлмайди. Шу маънода, ташқи дунё билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатиш, умуминсоний қадриятлар устиворлигини эътироф этиш, бошқа мамлакатлар аналарини ва урф-одатларига бағрикенглик билан муносабатга бўлишни таъминлаш зарур. Барча мамлакатлараро ҳамкорликлардан кўзланадиган асосий мақсад иқтисодий манфаатларнигина эмас, бутун ер юзида барқарор ва муҳим ривожланиш, барча мамлакатларда, барча соҳаларда тараққиётга эришиш эканлигига йўналтирилган янги сиёсий психологияни шакллантириш ниҳоятда муҳимдир.

¹ А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т. Фан, 2004 йил, 30-32 бетлар.

Мамлакатлараро ҳамкорликнинг муҳим шартларидан яна бири унда иштирок этаётган давлат, миллий ва диний мансублигидан қатъи назар, ҳар қандай мафкурадан холи этилганлигидир. Мамлакатлар ўзаро ҳар томонлама ҳамкорликни амалга оширар эканлар, аввало ҳар бир мамлакатнинг иқтисоди ва маданияти мувоффақиятли ривожланган тақдирдагина самара бериши мумкинлигидан келиб чиқиши лозим.

Энди халқаро ташкилотларнинг марказий Осиё хавфсизлиги ва минтақавий интеграциялашув жараёнида тутган ўрнига бир назар ташлайдиган бўлсак, аввало Собиқ Иттифоқ давлатларининг интеграцияси номинал тарзда айтиладиган бўлса, 1991 йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини (МДҲ) тузишдан бошланади. Аммо бир неча йил давомидаги давлатлараро муносабатлар шуни кўрсатадики, МДҲ давлатлари интеграциялашувининг янги кўринишларини излай бошлади. Бу хусусан, иқтисодий муносабатларда яққол кўзга ташланади.

1994 йил Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев МДҲ кўламида Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиқди. Мазкур халқаро тузилма аъзо давлатларда даставвал чуқур қизиқиш уйғотмади 1995 йилга келиб, Россия Федерацияси интеграциянинг янги консерциясини таклиф этди. Унга кўра 1995 йил 6 январда Россия ва Беларусия ўртасида икки томонлама, 1966 йил 20 январда эса Қозоғистон билан биргаликда учликдан иборат Божхона иттифоқи тўғрисида битимлар тузилди. Кейинроқ ушбу иттифоққа Қирғизистон ва Тожикистон ҳам қўшилди.

1996 йил 29 мартда Беларусия, Россия, Қирғизистон ва Қозоғистон Иқтисодий ва гуманитар соҳаларда интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида Битимни имзолашди. Мазкур халқаро акт билан Божхона иттифоқи (БИ) деб номланган янги минтақавий ташкилот юзага келди. Натижада эндиликда уч томонлама комиссия фаолияти амалга мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланиб, томонлар иқтисодий муносабатларнинг бошқа йўналишларини ҳам ривожлантириш истагида ижро ва мувофиқлаштириши функцияларига эга бўлган БИ ни амалга рўёбга чиқаришга мўлжалланган доимий Ишчи

орган ҳисобланадиган Интеграцион қўмитани тузишди. 1998 йил Тожикистон БИ аъзоси бўлиш билан бир қаторла, 1999 йил 26 февралда мазкур иттифоқнинг ҳамма аъзолари билан биргаликда Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги билимларга имзо чекишди.

2000 йил 10 октябрида Астана шаҳрида Беларусия, Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Президентлари Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотини (ЕврАзЭС) тузиш ҳақида шартномани имзоладилар. Мазкур иқтисодий ҳамжамиятни барпо этишдан мақсад-аъзо давлатлар ўртасида мустаҳкам умумий иқтисодий маконни яратишдан иборат эди.

2001 йил 31 майда Минск шаҳрида ЕврАзЭС Давлатлараро Кенгашининг дастлабки йиғилиши ўтказилиб, унда ушбу иқтисодий ҳамжамиятининг асосий ҳужжатлари имзоланди.¹ Шу вақтдан бошлаб янги халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий пой девори юзага келди.

ЕврАзЭС халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида юридик статусига эга У аъзо давлатларни яратиш билан бирга, уларни жаҳон хўжалик тизимиغا интеграциясини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Европа Иттифоқи тарихий тажрибасини ЕврАзЭС аъзо давлатлари интеграцияси учун намуна сифатида олиш мумкин. ЕврАзЭС иқтисодий ислоҳатлардаги синхронликнинг йўқлиги, ЕИ иқтисодий ривожланиш тарихида чекланган натижаларни берди ва иттифоқ даражасида қабул қилинган қарорларни амалга тўла тадбиқ эта олмади.

2004 йил қабул қилинган “ЕврАзЭС 2003-2006 ва ундан кейинги йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” ЕврАзЭС яшовчанлигини ошириш ва унинг тараққиёт стратегиясини асосий нуқталарини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил октябрда бўлиб ўтган МОХТ аъзоси бўлиши ҳақида маълум қилди. 2006 йил 25 январда Санкт Петербургда ЕврАзЭС Давлатлараро Кенгашида Ўзбекистон 2000 йил 10

¹ ЕврАзЭС. [http: www.evrases.com](http://www.evrases.com).

октябрда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Протокол қабул қилинди. Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг расман аъзоликка киришишини таъминлади. Бундай геосиёсий қадам авваламбор Ўзбекистоннинг чуқур иқтисодий сиёсий ва тарихий маданий боғлиқликка эга давлатлар билан янада яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги билан ўлчанади. Бошқа томондан эса, аъзоликка кириш зарурияти собиқ Совет Иттифоқи маконида вазиятнинг тезлик билан ўзгариб бораётганлиги ҳамда хавфсизликка ва барқарорликка жиддий таҳдидлар юзага келганлиги билан шартланган.

Ўзбекистоннинг ЕВрАзЭС га аъзо бўлиш газ, тахта, металллар авиация ва қишлоқ ҳужалиги маҳсулотлари бозорини кенгайтириб давлатлараро интеграциянинг максимал даражага олиб чиқишига хизмат қилиши керак. Такидлаш жоизки ЕВрАзЭС бюджетида қатнишиш улуши тўлиқ келишиб олингандан сўнг Ўзбекистон бу бюджетни шакллантириш ва бажариш маъсулиятини олди.

Юқоридагилардан ташқари интеграцион жараёнлар ва мамлакатлараро ҳамкорлик имкониятларда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг ўрнини ҳам алоҳида таҳлил этиб бази бир хулосалар чиқариш мумкин:

Биринчидан, ушбу ташкилот минтақавий хавфсизлик архитектурасини бино қилишда тизим ясовчи функцияни бажаради. Бундай функция минтақавий барқарорликни тامينлашга йўналтирилган ШХТ концепциясининг хадларини яратиши ва узлуксиз такомиллашиб боришни тақазо этади.

Иккинчидан, ШХТ катта геосиёсий ва геоиқтисодий маконни қамраб олган макроминтақада юзага келиши, унинг айнин шу маконда мавжуд бошқа ҳалқаро тузилмалар билан халқаро хавфсизлик масалаларида бахам жихатликка интилиши шарт.

Учинчидан, ШХТда Ўзбекистоннинг иштироки унинг реал ташқи сиёсат олиб бориш стратегиясига хизмат қилади. Ушбу ташкилотнинг минтақадаги роли ошиб бориши Ўзбекистоннинг АҚШ ва Европа давлатлари

билан муносабатларини кескинлашувига олиб келмаслиги балки жаҳон етакчи давлатларининг марказий Осиёда манфаатдар мувозанатини таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистоннинг ташқи ва ҳарбий-сиёсий стратегиясини амалга оширишда муҳим омил бўлиши миллий манфаатларга мувофиқ келади.

Хуллас, Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек ушбу жараёнлар “Биринчидан мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган кўшни давлатлар билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун зарурдир. Иккинчидан, минтақадаги гуманитар муаммоларни, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларини биргаликда ҳал қилишга. Учинчидан Ўзбекистоннинг ва умуман, минтақанинг табиий имкониятларини жаҳон даражасига олиб чиқиш учун коммуникацион тармоқларни яратишга ҳизмат қилади”¹

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. Ўзбекистон, 1998, 6-жилд, 103бет.

2§.Халқаро ташкилотлар фаолиятида минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари.

Ҳозирги вақтда дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим жиҳати ушбу мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий, илмий-техник ва маданий-маънавий ривожланиш соҳасидаги тажрибаларидан самарали фойдалана олишдан иборат.

Мустақил республикамизнинг минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликлари бутун дунё ҳамжамияти, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам ўта муҳим бўлган халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш вазифалари билан бевосита боғлангандир. Давлатларнинг ташқи сиёсати тобора очик тус олаётган ва минтақалар ва бутун дунё кенгликларида интеграциялашув жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётган бир шароитда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари халқаро ҳамкорликлар билан янада мустаҳкамроқ боғланиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кенг қулоқ ёзиб бораётганлиги унинг халқаро майдонда обрўси ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бундай хайрли ҳолатнинг вужудга келишида асосий омиллар Ўзбекистоннинг ўз ҳудудида ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамият қуришга жиддий киришганлиги, бозор иқтисодиётига ўтишда сезиларли натижаларни қўлга киритганлиги, мамлакатда миллатлараро тотувликни ва барқарорликни таъминлаганлигидир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, “Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам узоқ муддатли ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган асосий стратегик интеграцион вазифа Ўзбекистондаги барча хўжалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро

валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, Республиканинг жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислохатларни қўллаб қувватлаш кўзда тутилмоқда.”¹

Кейинги йилларда Ўзбекистон бир қатор иқтисослашган нуфузли халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ташкилотлар-Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, жаҳон Банки, Халқаро валюта жамғармаси Европа тикланиш ва тараққиёт Банки (ЕТТБ,) Халқаро меҳнат ташкилоти, Осиё ва Тинч океан ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (МОИХТ), ЭКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйди. Жумладан АҚШ, Германия, Франция, Италия, Англия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Туркия мамлакатлари билан ўрнатилган иқтисодий ҳамкорликлар ўз натижаларини бера бошлади. Умуман олганда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий йули барча халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда 40 дан ортиқ халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Асосий эътибор Халқаро иқтисодий ва молиявий бирлашмалар, жумладан, Осиё тараққиёт банки, Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти, Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги, Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти билан алоқаларни ўрнатишга ва мустахкамлашга қаратилмоқда.¹

Турли мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш, улар билан икки томонлама дўстлик муносабатларини мустахкамлаш иқтисодий ва ижтимоий ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳар қандай давлат ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик бўлсин ташқи иқтисодий алоқаларсиз, яшай олмайди, чунки жаҳонда ишлаб чиқарилаётган буюмлар турли бир неча миллион хилни ташкил этадики,

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. Ўзбекистон, 3-жилд, 1996 й. 251-бет

¹ А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т. Фан. 2004-йил 77-бет

уларнинг ҳаммасини ўзида ишлаб чиқаришга бирорта ҳам давлатнинг қурби етмайди. Шу сасбабли халқаро ҳамкорлик алоқалари давлатларнинг турли туман эҳтиёжларини қондириш, ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим воситаларидан бири бўлиб, фан техника тарақиётини жадаллаштиришга миллатлар ва эллатларнинг яқинлашуви ва пировард, аҳолининг турмуш даражасининг оширишга ёрдам беради. Ташқи иқтисодий комплексни бошқаришни такомиллаштириш ва хорижий мамлакатлар билан савдо иқтисодий, валюта-молия, ва илмий-техникавий алоқаларни амалга оширувчи турли вазирликлар иродалар бирлашмалар, ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги тузилди. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Жаҳон Ҳамжамиятидаги ўнлаб иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан савдо-сотик қилади. Улар орасида АҚШ, Англия, Франция, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Сингапур, Таиланд, Туркия ва бошқа мамлакатлар бор.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон Банки, Ҳалқаро Валюта фонди Ҳалқаро Молия корпорацияси, иқтисодий тарақиётга кўмаклашувчи ташкилот, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошва обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди, ҳамда уларда фаол сиёсат ўтказа бошлади. Кўпгина халқаро ташкилотлар БМТ, Ҳалқаро Валюта фонди Жаҳон банки Европа тикланиш ва тарақиётни банки Европа Иттифоқи комиссияси ва бошқа ташкилотлар Республикада ўзларининг минтақавий ваколатларини очди ва Ўзбекистонлик шериклари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки кунлариданок эркин иқтисодий ва ташқи сиёсат олиб борди. Бу ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам тўла қонунлаштирилди. 1993 йил 13 июнда И.А.Каримов Швецариядаги “Фонд форм” халқаро иқтисодий

ташкilotининг IV сессиясида нутқ сўзлади. “Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакати” деб аталган бу нутқда¹ Республикаимизнинг хорижий мамлакатлар билан тобора ривожланиб бораётган халқаро ва иқтисодий алоқалари ҳақида сўз юритилади. Ўша пайтда, жумладан 160 та мамлакат томонидан тан олинганлиги 60 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги, кўпгина давлатлар билан узоқ муддатли алоқалар йўлга қўйилганлиги бу нутқда уқтириб ўтилди. Президентимизнинг “Ҳамкорлик-иқтисодий тараққиёт гарови” номли асарида эса давлатлараро ва халқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигининг юксалиб бориши давримизнинг ўзига хос хусусияти эканлиги кўрсатилади. Истамбулда Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкilotига аъзо давлат раҳбарларининг олий даражада учрашувида сўзлаган бу минтақада жойлашган 10 та қўшни давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига бағишланган бўлиб, унда ҳамкорлик тараққиёти ва истиқболи, биринчи навбатда иқтисодий манфаатдорлигининг сиёсатдан, мафкурадан устун бўлиши, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш банклараро муносабатларни яхшилаш, Ҳамкорлик фондини ташкил этиш, маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашга боғлиқ эканлиги алоҳида илмий асосда баён қилинади. Жаҳонда шундай ташкilotлар борки, уларда қабул қилган қарорлар халқаро муносабатларга таъсир қилмай қолмайди. Шундай ташкilotлардан бири Жаҳон иқтисодий анжуманидир.

Президентимиз 1992 йил 29 январдан 2 февралгача Швейцарияда бўлиб, Жаҳон иқтисодий анжуманида иштирок этди. Бу даврда Жаҳон Иқтисодий анжуманида МДХ мамлакатларига шошилинич иқтисодий бериш зарурлиги тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Президентимизнинг сўзлаган нутқи жаҳон анжумани қатнашчиларида катта таасурот қолдирди. Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили анъанавий жаҳон иқтисодий анжумани ўтказилади. Унда давлат бошлиқлари, сиёсатчилар, машҳур иқтисодчи ва жамиятшунос олимлар қатнашадилар. Дунё миқёсида, ягона иқтисодий маконни вужудга

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура. Т. “Ўзбекистон” 1993 йил, 188-190 бетлар.

келтириш ишининг ташаббускори Клаус Шваб томонидан 1917 йилда ташкил этилган Жаҳон иқтисодий анжумани 1992 йилгача ўзининг 13 учрашувини¹ ўтказди. Анжуман “соф иқтисодиёт” масалалари билангина чекланмайди. Дунё аҳамиятига молик сиёсий воқеаларни ҳам қамраб олади. Ўз олдида аниқ мақсадларни қўйиб, мавжуд муаммоларни муҳокама ва мунозара йўли билан ҳал этадиган, ривожланаётган давлатларга йўл-йўриқлар курсатадиган ва уларни қўллаб-қувватлайдиган нуфузли анжуманда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов илк марта иштирок этди.

Туркия, Германия, Франция, Англия, Голландия, Австрия, Корея, Республикаси Хитой, Индонезия, Малайзия, Хиндистон билан сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар тузилган халқаро ҳамкорликни мустақамлашда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро валюта фонди, Жаҳон банк, Халқаро Молия корпорацияси, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида бир қанча йирик лойиҳалар ишлаб чиқилиб амалга оширилди. Дунёда энг катта Жаҳон банки, Доче банки, Малайан банки, Креди коммерсиаль де франс каби бир қанча банклар Тошкентда ўз ваколатхоналарини очди.¹

1993 йил ёзига келиб мустақиллигимизни 150 га яқин чет мамлакати тан олди. Улар Республикаимизнинг иқтисодини қизиқиб ўргандилар. Бу даврга келиб мамлакатимизда Жаҳоннинг турли банклари фаолият кўрсатмоқда эди. 1993 йил сентябрда Тошкентда Халқаро Банклар конференцияси бўлиб ўтди ва унда хўжаликнинг турли соҳаларига сармоялар қўйиш бўйича ўзаро тажриба алмашилди. Чунки Республикаимизда хорижий сармоялар жалб қилинган корхоналар шу даврда 800 га атрофида эди.

Республика Президенти бу конференциясида нутқ сўзлади ва “биз ҳозирнинг ўзида “Ньюмонт майнинг” корпорацияси билан ҳамкорликда ҳамда Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки иштирокида олтин қазиб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эгамиз. Бу лойиҳада

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 3 феврал

¹ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин Т. “Ўзбекистон” 1994, 194-бет

Англиянинг “Берклай” ва “Ротшилд” , Швейцариянинг “Креди свиес” банк корпорейшни ва Ақшнинг “Кемикал ва Чейз Манхеттен”, “Германиянинг” “Дрезден банк”, “Байерише Ферайн”, Франциянинг “Креди Лисне”, “Париба”, Австриянинг “Жиннокредит” ва “Банк Аустрия” сингари нуфузли банклари ҳам иштирок этаётгани қувончлидир”²–деб таъкидлади.

1994 йили 17 май куни Тошкентда “Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг иқтисодий фаоллик ва сармоя сарфлашга таъсири” мавзусида халқаро анжуман иш бошлади. БМТ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳомийлигида ўтган анжуманда Германия, Канада, марказий Осиё мамлакатларида солиқ тизими вакиллари, бир қанча нуфузли халқаро ташкилотларнинг мутахассислари ва хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпуси ходимлари иштирок этдилар. Июнь ойида эса “Ташқи заём операцияларини бошқариш масалалари” мавзусида халқаро семинар бошланди. Унда Жаҳон банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД), Буюк Британия ва Туркиянинг молия соҳаси мутахассислари, Германия ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг банки тизими вакиллари иштирок этди. Жаҳон банкининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Парвоз Ҳасан семинарни ўтказишдан қўзланган мақсад ва унинг Марказий Осиё давлатлари ташқи молия соҳасини ислох қилишдаги аҳамияти ҳақидаги сўзлади.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек “Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳакморлиги ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга” қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Биринчидан, Жаҳон иқтисодиётига қўшилишдан иборат бўлган стратегик интеграцион вазифа-Ўзбекистондаги барча хужалик субъектларининг ташқи дунё билан ўзаро алоқалари учун тенг ҳуқуқий ва миллий манфаатларга мос келадиган шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро

² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин Т. “Ўзбекистон” 1994, 134-бет

валюта молия ва совдо механизмларига бевосита қўшилиш назарда тутилади.

Иккинчидан, Республиканинг Жорий муаммоларини ҳал этишга бевосита кўмаклашиш, мавжуд халқаро тажриба асосида, Юқорида санаб ўтилган муассасалардан молиявий, техникавий ёрдам ва маслаҳат олиш йўли билан ўтказилаётган ислохатларни қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, Ўзбекистон ҳукуматининг чуқур ҳаётий реалликка асосланган, узоқни кўзлаб олиб бораётган ташқи халқаро иқтисодий фаолияти унинг Жаҳон миқёсидаги обрў-нуфузининг тобора кўтарилиб боришига сабаб бўлмоқда. Республикаимизнинг бирин-кетин Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ), Хельсинки яқунловчи актида, ЭКО, ЮНЕСКО ташкилотларига, қўшилмаслик ҳаракати Ислом Конференциясига, Қора Денгиз ҳавзаси давлатлари уюшмасига аъзо бўлиб кириши унинг халқаро майдондаги иқтисодий ва сиёсий мавқеига тенг ҳамкорликлар йўлида илгарилаб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

Бу эса мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий, сиёсий, маъданий, маънавий соҳаларда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликларини амалга ошириши учун йўл очиб бериш учун осос бўлиб ҳизмат қилади.

Бизга маълумки унверсиал халқаро ташкилотлар билан бир қатор даминтақавий (регионал) халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг азолари маълум жуғрофий минтақа давлатлари бўлишлари мумкин. Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлик, иқтисод, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий халқаро ҳамкорликка қаратилган бўлади. БМТ уставида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан уларнинг ташкил этилиши мақсадлари ва фаолияти БМТ уставининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иқтисодий ижтимоий маданий ва бошқа муаммоларини ечишига қаратилаган фаолиятига кўмаклашиши лозим. Жуда кўп сонли турли минтақавий ташкилотлар ичидан умумий ваколатлиларининг ажратиб кўрсатиш мумкин улардан айримлари қуйдагилардир.

Африка Бирлиги ташкилоти. Бу ташкилот таркибига 50 дан зиёд

Африка давлатлари аъзо бўлган энг йирик минтақавий халқаро ташкилотдир. Ушбу ташкилот 1963 йил 25 майда Аддис Абебадаги Африканинг мустақил давлатлари ва ҳукумати раҳбарлари иштирок этган ва мазкур ташкилотнинг Хартияси ва низоми имзоланган Конференцияда ташкил этилган. Хартиянинг 2-моддасига биноан Африка Бирлиги Ташкилотининг мақсадларининг қуйидагиларидан иборат:

Биринчи, Африка давлатларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш;

Иккинчи, улар ўртасида сиёсий, дипломатик, иқтисодий, транспорт ва алоқа, таълим маданият, химоя ва хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва кучайтириш;

Учинчи, уларнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилиш;

Тўртинчи, Африка қитъасида мустамлакачиликнинг барча турларини тугатиш ва халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш.

Араб давлатлари Лигаси. Бу ташкилот 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсадалри қуйидагилардан иборат:

Биринчи, аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш;

Иккинчи, аъзо давлатларнинг сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодий, молиявий, савдо, маданий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Учинчи, аъзо давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш.

Америка Давлатлари Ташкилоти. Бу ташкилотга Лотин Америкаси ва Кариб жангизининг 30 дан зиёд давлатлари ва АҚШ киради (Канада бу ташкилотга кирмайди, 1962 йилда эса АҚШ тазйиқи остида Куба ундан чиқарилган. Унинг Уставига мувофиқ ташкилотнинг мақсадлари қуйидагиларидан иборат;

Биринчи, Ғарбий ярим шарда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш;

Иккинчи, аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш;
Учинчи, агрессия қарши биргаликда кураш олиб бориш;
Тўртинчи, сиёсий иқтисодий, ижтимоий, фан ва техника маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш.

Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси (АСЕАН).

Бу ташкилот 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, кейинчалик унга Бруней ва Вьетнам аъзо бўлган. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг Дўстлик шартномасини ва АСЕАН Декларациясини имзолаганларидан кейингина юз берди.

Ушбу ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда Ассоциациянинг мақсадлари иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ташкил этиш, Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишдан иборат.¹

Европа Кенгаши. Европа давлатларини бирлаштирувчи минтақавий Ҳалқаро ташкилотдир. Хозирги кунда 40 та давлат Европа Кенгашининг аъзолари ҳисобланади. Шарқий Европанинг Болгария, Венгрия, Чехия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатлари шулар жумласидандир. Россия Европа Кенгашига 1996 йилда қабул қилинди.

Европа Кенгашининг мақсадларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни чуқурлаштириш, асосий ҳуқуқий, таълим, ахборот, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш каби масалалардан ҳамкорлик қилиш ва Европанинг барча давлатларини яқинлаштириш кабилар киради.

Кейинги йилларда шерикчилик жараёнида Европа Иттифоқининг бир томонлама шартланганлик сиёсати натажасида минтақа давлатларининг ушбу иттифоққа аъзо мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорлигини қийинлаштирмоқда. Шунинг учун бу иттифоққа аъзо мамлакатлар билан икки томонлама шартномалар минтақа давлатлар манфаатларини камситмаган ҳолда Европа Иттифоқи талаблари асосида тузилиши, амалдагилари эса худди шу ёндошув билан қайта кўриб чиқилиши муҳимдир.

¹ А.Саидов. Ҳалқаро ҳуқуқ. Т. “Адолат”, 2001 йил 179-180 бетлар

II БОБ. Ўзбекистон Республикасининг халқаро сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкониятлари.

1§.Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда мамлакатлараро ҳамкорлик.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш билан биргаликда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни амалга оширмоқда. Бундай ташкилотлар орасида БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЭФ, ЭКО, ГУУАМ, МОҲТ, ИКТ, ЕИХ, ШХТ ва бошқалар бор. Бундай ҳамкорликлар биринчи галда кўплаб халқаро сиёсий муаммоларни ҳамжамиятликда ечиш имкониятини жумладан мамлакатдаги ва умуман минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари бир қатор бошқа муаммолар ҳам мавжудки уларни ҳал этиш учун албатта халқаро муносабатлар тақазо этилади. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий муносабатларини кенгайтириш, халқаро автомобил ва темир йўл магистралларини қуриш, Ўзбекистоннинг Осиё мамлакатлари бозорига ҳам молиявий ҳаражат эвазига чиқиш имкониятини берувчи коммуникацион тармоқларини яратиш бундай муаммолар сирасига киради.¹

Ўзбекстон Республикаси Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб, сиёсий анжуманлар ўтказишга халқаро ташкилотлар вакилларининг бизнинг юртимизга ташрифларини уюштиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Мазкур сиёсий анжуманлар мамлакатимизнинг миллий манфаатларида келиб чиққан ҳол ташқи олам билан алоқа ўрнатишнинг ривожлантиришда халқаро валюта-молия механизмидан фойдаланиш, шунингдек халқаро институтлар томонидан жамиятнинг барча соҳаларини ислох қилиш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида молиявий, техникавий ва консултатив ёрдам олиш учун ниҳоятда зарурдир.

¹ А.Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги.Т.Фан,2004, 93-бет

Маълумки, XXI аср бошларидан бошлаб барча мамлакатлар катори Ўзбекистонда ҳам янгидан –янги ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистон Халқаро сиёсий анжуманлар ўтказишда, дунё ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни, хавфсизликни таъминлаш, жамият ҳаётида юз бераётган ислохотларни янада чуқурлаштириш буйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг муҳим шартларидан бири ва асосий омили сифатида баҳоланмоқда. Ўзбекистонда халқаро анжуманларининг ўтказилиши ва бу ҳамкорликка тарихийлик жihatидан ўрганилиши бугунги кун ва келажакимиз ёшлари учун ҳам ғоят муҳимдир. Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги турли тadbирлар (анжуманлар) ўтказиши ва жаҳондаги йирик халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги масаласи фақат миллий давлат мустақиллигига эришганидан кейингина ҳал этилиши мумкин бўлган вазифалари сирасига киради. Чунки Ўзбекистон Республикасининг собиқ маъмурий бўйруқбозликка асосланган тоталитар тузуми таркибидаги ривожланиши шу қадар чеклаб қўйилган эдики, бундай шароитга унинг бошқа мамлакатлар, айниқса халқаро ҳамкорликларда мустақил алоқалар ўрнатилиши хусусида гапириш ҳам мумкин эмасди. Фақат миллий мустақилликни қўлга киритилгандан кейингина Ўзбекистонда турли давлатлар, турли халқаро ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий-сиёсий ва маданий анжуманлар ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва дастлабки давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар БМТ, ЕХҲТ, ЕИ, ЮНЕСКО, ЮНИСЭФ ва бошқалар билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва сиёсий анжуманлар ўтказилди. Чунки мазкур ташкилотларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти каттадир.

“Буларнинг барчаси XXI асрда хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий демократик

давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш ва тараққиёти ўзининг стратегик вазифаси қилиб олган ёш Ўзбекистон давлати учун хаётий заруратдир”¹

1995 йил 15-16 сентябрь кунлари Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бағишланган халқаро кенгаш-анжуман бўлиб ўтди. “Шукрлар бўлсинки, бугунги кунда минтақадаги бешта Республиканинг хавфсизлиги ва ўзаро бир-бирини тушуниш борасида ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолари йўқ. Лекин мазкур Республикалар ташқарисидаги минтақадаги тинчлик ва барқарорликка хавф солувчи вазият мавжуд. Ўзбекистон ҳукуматининг нафақат ушбу беш мамлакат, балки уларга қўшни бўлган бошқа давлатлар вакиллари ҳам ушбу кенгаш-анжуманга таклиф этгани катта эътиборга молик. Чунки айнан ушбу мамлакатлардаги вазият минтақа хавфсизлиги билан бевосита боғлиқдир”- деди БМТ Бош қотибининг махсус вакили Махмуд Мистрий мухбирлар билан суҳбатда. Марказий Осиёдаги янги мамлакатлар ўз муаммоларини мунозара ва муҳокама йўли билан ҳал қилишлари зарур. Ана шу йўлни танлаган Ўзбекистон унга оғишмай амал қилиб келаяпти “Биз бир-биримиздан қочмослигимиз керак. Биз бир-биримизни тушунишга мажбурмиз”¹-деди Президент И.А.Каримов Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш-анжуманда сўзлаган нутқида. Бу халқаро анжуманда БМТ делегациясидан ташқари Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислонд Конференцияси ташкилоти делегациялари қўшни далаатлар Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Туркия вакиллари, шунингдек БМТ хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатлар АҚШ, Англия, Франция, Россия ва Хитойнинг юқори лавозимли вакиллари қатнашганлиги унинг нуфузини ва аҳамиятини анча ошириб юборди. Анжуманда муҳим тарихий ҳужжат Баёнот қабул қилинди. Унда жумладан, шундай дейилади; “Марказий Осиё давлатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотини янги жаҳон тартибини шакллантириш жараёнидаги энг илғор воситаларидан бири

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.Ўзбекистон, 1997, 307-308 бетлар.

сифатида унинг бу борадаги ўрнини юксак баҳолайдилар ва БМТнинг имкониятларини ҳамда орттирган тажрибаси минтақадаги мавжуд муаммоларни мувоффақият билан бартараф этишга имконият яратишга ишонадилар”. Президенти И.А.Каримовнинг бошқа таклифлари ҳам БМТ раҳбариятининг диққат эътиборида бўлди. Жумладан, Орол бўйича Марказий Осиё давларлараро кенгаши, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, БМТ тараққиёти дастури, ЮНЕП Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотлар кўмагида қилинаётган саъй ҳаракатларининг янада самарали бўлишида ғоят катта аҳамиятга эга. Анжуманда Орол денгизи хавфсизлигини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларинг Нукус декларацияси қабул қилинди. Бу ҳамкорликлар фақат Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Ўзбекистон манфаатига хизмат қилиб қолмай, балки Президентимиз Тошкент-Кенгаш анжуманида таъкидлаб ўтганидек, “БМТ тинчлик кун тартибига киритган масалаларни ҳал қилишда муносиб ҳисса бўлади”. Шу йўл билан Марказий Осиё сайёрамизда тинчлик ва хавфсизликка эришишга қаратилган инсоният аҳиллиги ва биргаликдаги саъи-ҳаракатлар майдонини кенгайтиради.”¹

Ўзбекистон пойтахти бугунги кунда нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокидаги хавфсизлик, барқарорлик тинчлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича муҳим халқаро анжуманлар марказига айланди. Мазкур анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан эътироф этилаётганлигини Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатидаги нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатдир.²

Ўзбекистон раҳбарининг Афғон муаммосини ҳал этиш ва минтақа хавфсизлигини тامينлашга қаратилган конструктив ташаббуслари БМТ шафелигида “6+2” гуруҳининг (Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Хитой ҳамда АҚШ ва Россия) ташкил этилишига асос бўлди.

¹ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т. Ўзбекистон, 1996 йил, 4-жилд, 38-бет

² Х.Муродов ва бошқалар. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. 2000 йил, 24-бет.

Гурухнинг биринчи учрашуви Нью-Йорк шаҳрида 1997 йил бўлиб ўтган эди.

Афғонистондаги қарама-қарши томонлар “6+2” гурухнинг Тошкент учрашувидан кейн хам жангавор ҳаракатларини давом эттирганлиги халқаро жамоатчилликка кескин норозилик уйғотди. БМТ хавфсизлик Кенгаши 1999 йил 15 октябрда “Толибон” ҳаракатига қарши чекланган жазо чораларини жарий этиш ҳақида резолюция қабул қилди. Унда ўзини Афғонистон Исломи Амирлиги деб атаган афғон гуруҳи томонидан халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотчиларига бошпана берилиб, қўллаб-қувватланаётганлиги катъий қораланиб халқаро террорчиликда айбланаётган Усама Бин Ладенни одил суд ҳуқумига топшириш талаб қилинган эди.

Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигида ва халқаро анжуманлар ўтказишида, у 1992 йилда аъзо бўлиб кирган ЕХХТ ташкилоти муҳим аҳамият касб этади. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти аслида Европа давлатларининг ташкилотидир, Аммо Ўзбекистон у билан ҳамкорлик қилар экан, Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг саъй-ҳаракатлари куч ва имкониятларини терроризм, ақидапараслик, диний экстеремизмга қарши курашда билаштиришга боғлиқ муаммоларни кўтариш ва ҳал қилишга асосий эътиборни қаратди. 1995 йил 15-16 сентябр кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича семинар-кенгаш, 18-20 сентябр кунлари эса Нукус шаҳрида БМТ раҳнамолигида Орол денгизи хавзасини барқарор ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон пойтахтидаги йиғин “Марказий Осиё хавфсизлиги ва ҳамкорлик масалалари бўйича Тошкент Кенгаш семинари баёноти”ни қабул қилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Бош қотиби Бутрос Ғолий Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг халқаро фаолиятини юқори қадрлаган эди. Давлатимиз ташқи сиёсатининг халқлар ўртасидаги муносабатларини кенгайтириш, халқаро иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳалардаги умумжаҳон

муаммоларни хал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасидаги таклиф ва ташаббусларини қизгин маъқуллади. Олдимизда турган муаммолар- дейилади БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов номига йўллаган мактубларидан бирида-ижтимоий тараққиёт соҳасига маъсул бўлган барчамизнинг кенг ҳамкорлик қилишимизнинг тақозо этади. Бу борада сизнинг шахсан қўллаб-қувватлашингиз ва йўл йўриғингиз бундан кейин ҳам биз учун нихоятда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Маълумки 2008 йил 12 мартда Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари учун энг мураккаб ва долзарб муаммоларга бағишланган “Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генефонди, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ҳамкорлик чоратadbирлари” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан Президент И.А.Каримов қўйидаги фикрларни билдирди.

“БМТ Бош Ассамблеясининг қарори билан 2005-2015 йиллар “Сув ҳаёт учун” ҳаракати Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилинди. Бугунги Тошкент конференцияси нафақат Орол денгизи муаммоларини ҳал этиш бўйича Марказий Осиё давлатларининг ўзаро саъй-ҳаракатлари тўғрисидаги биринчи битими имзоланганлигининг ўн беш йиллик даврида, балки 22 март-Бутунжаҳон сув ресурслари кўнига яқин қолганда, БМТ эълон қилган Халқаро Ер сайёраси йилида бўлиб ўтаётгани ҳам рамзий маъно касб этади.

Мустақил Республикамиз дастлаб 1992 йил 16 февралда ўз тарихи маданияти ва менталитетига яқин бўлган ўнта давлатни бирлаштирувчи Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) га аъзо бўлди: Республикамизнинг ЭКО ташкилоти билан ҳамкорлиги бир неча йўналишда амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон мазкур ташкилот доирасида Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар билан биргаликда Европа, Шарқий ва Жанубий Осиёга, Узоқ Шарққа олиб чиқувси ҳамда минтақадаги улкан иқтисодий имкониятлардан имкон қадар самарали ва тўла фойдаланишга, ЭКОга аъзо давлатларнинг халқ фаровонлигини оширишга шароит яратувчи

минтақавий транспорт коммуникациясини ривожлантириш ҳамда транационал қувурлар тармоғини вужудга келтириш борасида ишлар олиб борилмоқда ва хоказолар.

Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан бир неча даражадаги ҳамкорлигини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Минтақавий даражадаги энг яхши мисоллардан бири шуки, Ўзбекистон Эрон, Покистон, ва Туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳақорлик ташкилоти (ИХТ)нинг аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бу ташкилотидаги иштироки Техрон Кенгашининг транспорт ва коммуникация, саноат ва қишлоқ хўжалиги, энергетика соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича Коммюникедан сўнг бошланади. Бугунги кунда ушбу масалалар доираси янада кенгайди. Булар инвестициялар бўйича қўшма лойихалар, ИХТ нинг Кема қатнови компанияси ва Авиакомпанияси, ИХТ мамлакатларини ҳақоро тарспорт конвенциясига кўшиш, ИХТ банкини тузиш каби мақсадлардир.

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишда уларни ажратиб турадиган белгилар эмас, аксинча, уларнинг ҳар бири учун манфаатли бўлган умумий нуқталарни топишга интилиш лозим.

И.А.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 48-сессиясида сўзга чиқиб, Марказий Осиё Хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТ нинг доимий ишловчи семинарини чақиритишни таклиф этди ва бунда манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиё минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини вужудга келтириш имкониятларини муҳокама қилиш мумкинлигини эътироф этди. Президент И.А.Каримо фикрига кўра “Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимийишловчи семинарини чақиритишини айтиш муддао деб ҳисоблайди. Тинчлик ўрнатишда қадимий анъаналарга эга бўлган, халқаро ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик руҳи билан йўғрилган шаҳар сифатида Тошкент БМТнинг ана шундай семинари ўтказиладиган жой бўлишига тайёр. Доимий ишловчи семинарда жаҳонда умумий хавфсизлик сиёсати доирасида ва БМТ

Низомининг 52- моддасига мувофиқ манфаатдор мамлакатлар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликнинг ишончли тизимини фужудга келтириш имкониятларини муҳокама қила олур эдилар. Бундай тизим можаролар ва урушлар юзага келган ҳолларда тинчликни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги чора-тадбирларни, жумладан, тинчликни ва чегараларнинг яхлитлигини бузмоқчи бўлганлар қарши дипломатик, молиявий, иқтисодий ҳамда бошқа тусдаги коллектив жазо чораларини кўзда тутиши, ушбу минтақада барқарорлик ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ учун тавсиялар ишлаб чиқиши мумкин бўлур эди.”¹ Президентимизнинг бу таклифи 1995 йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиёда Хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинарда қабул қилинди. Ушбу анжуманда 31 давлат ва 6 та халқаро ташкилотларнинг шу жумладан, Осиё мамлакатларининг ҳам вакиллари, Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) вакиллари иштирок этди.² Семинарда Марказий Осиё минтақасида вужудга келган сиёсий вазият таҳлил қилинди, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожлантиришнинг асосий шарт сифатида давлатлар ўртасида тинчликни таъминлаш бўйича коллектив чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислохатларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли ҳамда тенг шерикчилик асосида ҳар томонлама ҳамкорлик, мамлакатлар ўртасида интеграцияон жараёнларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида Республикамиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига ҳам алоҳида тўхтатилиб ўтди. Маърузада, жумладан, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи (ЕИ) билан ҳамкорлик масаласига алоҳида уруғ берилган. ЕИ қатнашчиси бўлган малакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1996 йил 21 июнда Флоренцияда бўлиб ўтган учрашувида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон

¹ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.Ўзбекистон 1996 йил, 2-жилд, 53-54 бет.

² И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.Ўзбекистон, 1996йил , 4-жилд, 36 бет.

Республикаси ўртасида шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида тузилган Битим Ўзбекистоннинг ҳозирги дунёда иқтисодий ва сиёсий аҳамияти ошиб бораётганига яна бир ёрқин мисол бўла олади. Ушбу битим “Шериклик битими” дея номланиб, у Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасининг Суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига катта эътибор берилаётганлигини кўрсатади. Ҳамда ЕИ нинг демократиялаш жараёнларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш каби йўналишларда Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш истаги қатъий эканлигини билдиради. 1999 йил 1 июлда кучга кирган бу муҳим тарихий ҳужжат ЕИга аъзо барча мамлакатлар билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик алоқаларида янги босқич бошланганлигидан далолат берди. ЕИ учун Ўзбекистон минтақадаги энг муҳим ҳамкоридир. Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан Россия, Хитой ва Ислом оламининг ўртасида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада ошириб юборди. Европа Иттифоқи билан илк алоқалар собиқ Совет Иттифоқи даврида 1989 йилда ўрнатилган. Аммо дастлаб муносабатлар деярли ривожланмаган. 1999 йил 1 июлда Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим кучга киргач, икки томонлама алоқалар юксак даражадаги кўтарилиб, ўша йил 13 сентябрда Ҳамкорлик кенгаши ўзининг биринчи мажлисини ўтказди. Бу воқеа Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида дипломатик муносабатларда янги босқични бошлаб берди. 1992 йилдан буён Ўзбекистон ЕИ нинг ТАСИС дастурида фаолият олиб бормоқда. Келажакдаги олоқалар ўзаро имзоланган Шерикчилик ва Ҳамкорлик Битими доирасида ривожланиб боради.”¹

Ўзбекистон ЕИ ўртасида имзоланган ўша 1996 йилги битимга асосан, юртимизда бир нечта ҳамкорлик органлари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон ва ЕИ Ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси шулар жумласидандир. Хусусан, 2004 йилнинг январь ойида Брюсселда “Ўзбекистон ва ЕИ ҳамкорлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Бугунги кунда ЕИ Ўзбекистоннинг энг йирик

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 2005 йил, 8 февраль

хамкорларидан бири бўлиб, умумий ташқи савдо айланмасининг 65 фоизи иттифоқ аъзоларига тўғри келади. Республикамизнинг ЕИ ТАСИС ҳамда ТРАСЕКА дастурлари доирасида ҳам кенг ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бугунги кунда Президентимизнинг жахондаги турли мамлакатларга ташрифи Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашда, турли халқаро ташкилотлар билан анжуманлар ўтказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, ХХР, Япония, Корея Республикаси, ВСР, Руминия, АҚШ, Италияга ташрифлари давомида Ўзбекистоннинг Осиё, Европа қитъаларидаги давлатлар ва АҚШ билан ўзаро фойдали ҳамкорлиги масалалари ҳал этилди. Бундай ташрифлар нафақат бошлиқлар ўртасида шахсий алоқалар ўрнатиш, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга, балки давлатлараро муносабатлар ўрнатиш ва уни ривожлантиришга ёрдам беради.

ТРАСЕКА дастурида Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ишида 1998 йилнинг сентябрь ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Конференция ҳам муҳим аҳамият касб этди. Мазкур анжуман ҳам бевосита Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш муаммоларига бағишланган эди. Шунинг таъкидлаш кераки, ТРАСЕКА лойиҳасига қатнашувчи мамлакатларгина эмас, балки дунёнинг кўплаб бошқа давлатлари ҳам катта қизиқиш билан қаратилмоқда. Конференция ишида дунёнинг 32 давлати ҳамда ўндан ортиқ халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этганлиги ҳам ана шундан далолат беради.

Конференцияда Европа-Кавказ-Осиё коридорининг ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги асосий ҳар томонлама келишув қабул қилинган. Мазкур анжуманда конференция яқунлари бўйича якуний хулоса сифатида Боку декларацияси ҳам имзоланди. Унда мамлакатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали дўстлик, маданий ва иқтисодий тараққиёт йўли билан Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш тўғрисидаги хоҳиш-иродалари ифодаланган.¹

¹ “Правда востока” газ. 1996 год, 17мая. “Халқ сўзи”газ. 1998 й, 9 сентябр

1999 йилнинг май ойида Тошкентда “Осиё-Европа транспорт кўпригини ривожлантириш муаммолари” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасидаги аниқ ва амалий қадамлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Конференциянинг асосий мазмуни Марказий Осиёнинг юраги ҳисобланган Ўзбекистон Осиё ва Европа ўртасидаги алоқаларда асосий бўлган вазифасини ўйнаши лозимлигини ҳамда минтақалараро интеграциянинг ташаббускори бўлмоғи кераклиги ҳақидаги фикрдан иборат эди. Ушбу анжуман ўз моҳиятига кўра, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш борасидаги Боку анжуманидан кейинги дастлабки амалий қадам бўлди.¹

2002 йилнинг апрель ойида Тошкент бўлиб ўтган ТРАСЕКА Ҳукуматлараро Комиссиясининг Конференцияси ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Унда Европа Иттифоқи мамлакатларининг, шунингдек, Марказий Осиё, Кавказorti мамлакатларининг ҳамда қатор Халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Анжуманда ТРАСЕКА минтақасини янада кенгайтириш, юк ташиш шароитларини яхшилаш, транзит юкларни ташиш, янги коммуникацион тармоқларини очиш, денгиз йўллари ривожлантириш масалалари бўйича батафсил фикр алмашиб олинди.

Конференцияда Тошкент декларацияси қабул қилинган бўлиб, унда ТРАСЕКА дастури 8 та мустақил давлатларнинг ва Европа Иттифоқининг интеграциялашувидаги, халқаро юк ташиш тизимининг шакллантириши муҳим омил эканлиги эътироф этилди.

ЕИ ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Шерикчилик ва ҳамкорлик битимининг 1999 йил кучга киритиш тенг ҳуқуқли муносабатларни амалий жихатдан мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фикримизнинг далили сафатида 2001-2002 йилларда минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳамда савдо алоқаларини ривожлантириш бўйича имзоланган қатор шартномаларни келтириш мумкин. Хусусан, 2002 йил 29 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон ва

¹ “Халқ сўзи” газетаси, 1999 йил, 12 май.

ЕИ ўзаро ҳамкорлик кенгашининг учинчи мажлисида МО давлатлари ТАСИС дастури бюджети 25 илн.дан 50 млн. АҚШ долларига етказилганлиги маълум қилинди ва Ўзбекистон билан энэргетика, савдо, инвестиция соҳаларида ҳамкорлик қилиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.²

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир йирик халқаро анжуман бу-2004 йилда 17 июнда Тошкентдаги “Интерконтинентал” мехмонхонасида ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) га аъзо давлат раҳбарларининг анжуманидир. Тошкент саммити анча самарали яқунланди. Аъзо давлатлар раҳбарлари бир қанча муҳим ҳужатларга, жумладан, “ШХТ давлат раҳбарлари Кенгаши йиғилиши яқунларига оид Тошкент Декларацияси”, “ШХТ га аъзо давлатлар ўртасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамкорлик ҳақида келушув”, “ШХТ иммунитет ва ваколатлари тўғрисида Конвенция”, “ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг ШХТ ҳузурида кузатувчи мақоми низомини тасдиқлаш тўғрисида”, “ШХТ га аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг ХХР ҳукумати ва ШХТ ўртасида ташкилот котибиятининг Хитойда жойлашиши тўғрисида”, “ШХТ давлат раҳбарлари Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ ўртасида ташкилот минтақавий аксилтеррор тузилмасини Ўзбекистонда жойлашиши тўғрисида” ҳужжатлар имзоланди. “Эришилган келишувлар, бизнинг фикримизча, вужудга келаётган халқаро вазиятни оқилона ва тўғри баҳолаш натижаси бўлиб, ҳеч шубҳасиз, янги, ўзаро ишончга ҳамда бутун дунёдаги хавфсизликка асосланган концепция ишлаб чиқишга ёрдам беради”¹ -деган эди Призидентимиз И.А.Каримов ШХТ давлатлари раҳбарларининг саммитида.

Хуллас, ШХТ қисқа вақт ичида тўла ҳуқуқли халқаро ташкилотга айланиб улгурди. Бу давр ичида катта ишлар амалга оширилганлиги ташкилотнинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятдан далолатдир.

² Хайдарали Юнусов. Европа Иттифоқи ҳуқуқи. Т. “Янги аср авлоди”, 2007йил, 499 бет.

¹ Хайдарали Юнусов. Европа Иттифоқ ҳуқуқи. Т. “Янги аср авлоди”. 2007й ил, 499-бет

2§. Ўзбекистон Республикасининг халқаро тadbирлардаги ҳамкорлик ташаббуслари.

Бугунги ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш, халқаро анжуманлар мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий сиёсий, илмий-техник, маънавий-маданий ва гуманитар соҳаларни ўзига камраб олган комплекс алоқаларни йўлга қўйишни тақозо этади. Тилга олинган барча соҳаларни ҳам мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик тизимининг узвий таркибий қисми деб қарамоқ керак. Ўзбекистон ушбу ҳамкорликнинг бутун бошли тизимида иқтисодий ҳамкорлик устивор мавқеида эканлигидан келиб чиқади. Бироқ, бу ижтимоий-маънавий алоқаларнинг аҳамиятини заррача пасайтирмайди. Бу ерда иқтисодий алоқаларга ортиқча баҳо бериб юбориш ҳам, ижтимоий-маънавий алоқаларни камситиш ҳам бир ҳилда зарарлидир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни бир томонлама қилиб қўйиши, натижасида бу ҳамкорликлар у ёки бу мамлакатларнинг ижтимоий ривожига таъсир қила олмаслиги мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Ўзбекистон бутун жамият давлат мустақиллиги ва иқтисодий раванққа эришишнинг олий мақсадлари теварагида маҳкам жипслашди. Бизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва яратувчилик ҳукм сурмоқда. Аҳолининг маънавий ва маданий талабларига, билим олишга, иқтисодиёт асосларини тушуниб этишга бўлган эҳтиёти бениҳоя ошди. Халқ ўзининг маънавий эркинлигини, эътиқоди ва ғурурини химоя қила олди, порлоқ келажак йўлида янада улкан ишлар қилишга қодир бўлиб қолди.”¹

Республикамизнинг дунёдаги халқаро ташкилотлар билан анжуманлар ўтказишлари, ҳамкорлик тажрибалари ушбу ҳамкорликнинг ривожланиш истиқболлари хусусида айрим хулосаларни чиқариш ва унинг янада ривожланиши учун айрим йўналишларни белгилаш имконини беради.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. Ўзбекистон, 1995 йил 151 бет

Маълумки энг йирик халқаро ташкилотнинг бунёд этилиши иккинчи жаҳон уруши даврида ғоят катта машаққатлар билан эришилган асосий натижа бўлди. 1992 йилги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида халқаро ҳуқуқий умум тан олган нормаларни Ўзбекистон Республикаси нафақат ўз халқи балки бутун дунё давлатлари халқларининг демократик ривожланиши шарти сифатида халқаро ҳуқуқий умум тан олинган тамоиллари ва нормаларига амал қилиш, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мажбуриятларини олади. Ўзбекистон Республикасида белгиланишича, “Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларнинг тенг ҳуқуқли субъектидир.”¹ Мустақил Ўзбекистон ўзини дунё ҳамжамияти олдида турган муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тарихда биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиқди. Бизнинг мустақил мамлакатимиз жаҳоннинг энг олий анжуманларида зўр кадр-қиммат билан иштирок этди. Бош ассамблеяда сўзлаш янги мустақил мамлакат учун умуммарифатли инсоният кўз олдида ўзлигини намоён этиш билан тенгдир. И.А.Каримов БМТ нинг бутун жаҳон ҳамжамияти учун энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал қилишдаги, тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашдаги, жамики халқлар тараққиётига кўмаклашишдаги ролини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда сиёсий барқарорликнинг тинчлик ва миллатлараро ҳамжихатликнинг сақланиб турганлиги бунинг яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро тадбирларда қатнашини, дунё ишлари, жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда фаоллик кўрсатаётганлиги бунинг учун қулай шароитлар кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг жўшқинлигининг давлатимиз халқаро обрў-эътибори ва уларнинг дунё ишларига бўлган таъсирини тинмай ошириб бормоқда.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т. “Ўзбекистон” 2001 йил, 8-бет.

XXI аср бўсағасида дунё ижтимоий-сиёсий жараёнлари тубдан ўзгарди, инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига дахлдорлик ҳисси тобора кучайди. XXI асрнинг сўнги ўн йиллиги ҳар қандай зўравонликлар, тазйиқлар ва ғоявий ҳуружларни ақл-идрок ва очикдан-очик муносабатлар орқали ҳал этиш сари дадил қадам қўйилган давр бўлди. Ўзбекистон ёш мустақил давлат сифатида ўз мавқеини ва нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга дунё аҳлини жаҳон сиёсатини ислох қилишга даъват этган давлатларидан бири бўлиб майдонга чиққан. Ўзбекистон Осиё ва Европа китъалари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи, сиёсий иқлимни мўътадиллаштирувчи Ғарбу-Шарқ ўртасидаги азалий рақобатни ақл-идрок донолик тафаккурига асосланган мунозаралар ва музокаралар орқали уйғунлаштиришга дават этган ягона давлат бўлиб майдонга чиқмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар анжуманларида дунё муаммоларини ҳал қилишнинг энг инсонпарвар энг адолатпарвар тамойилларини ўртага ташлар экан, у минтақавий можаролар ва қўшни мамлакатларнинг ўзаро келишмовчилик муаммоларидан тортиб бутун ер шари ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган жуда улкан масалаларни ўртага ташламоқда бу айниқса, халқаро терроризм ва нарқобизнес, диний ақидапараслик ва экстеремизм билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Айни шу муаммолар бугун дунё аҳли ҳаётига таҳдид солаётган энг оғир фожиа эканлигини, у билан муроса қилиб бўлмаслигини, бу иллатларни барбод қилишда жуда катта қатъият ва сиёсий ирода ва ички қудрат кераклигини Ўзбекистон тимсолида кўрсатди.¹

Ўзбекистон турли мустақил давлатларни иқтисодий, сиёсий, манавий жихатдан манфаатдорлигини назарда тутиб, янгича шароиларда, янгича шакл ва мазмундаги ҳамкорликни вужудга келтириши ташаббуси билан чиқди. Бу Мустақил Давлатлари Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги сингари кўп томонлама ижтимоий иқтисодий манфаатлари

¹ Мустақил Ўзбекистон тарихи .Т. Шарқ, 2000 й, 3- жилд, 499-бет.

асосида қурилган ташкилотлар сифатида ўртага ташланди.¹ Умуман, ҳаёт ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимининг у ишлаб чиққан ривожланиш тамоилларининг асосли эканлагини кўрсатди. Жаҳон сиёсатдонлари жамоат арбоблари унинг янгича қарашларига юксак баҳо бермоқдалар ва ўз вақтида қўллаб қуватламоқдалар ёки Президентимиз таъкидлаганларидек, “Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат-Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди”²

Бугунги кунда бутун инсониятнинг тақдири ижтимоий тараққиёт истиқболлари халқаро муносабатларга боғлиқ бўлиб қолди. Халқаро майдондаги ҳар бир сиёсий тенглик, можаролар барча мамлакатлар ва халқлар манфаатига даҳлдор бўлиб қолди. Ҳатто айрим олинган мамлакат ичкарасидаги низоли жараёнларни, урушларни бартараф этиш ҳам ҳамжамиятнинг вазифасига айланди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаларида ҳам кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий тинчликни сақлаш йўлидаги ташаббусларига ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди: “Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни сақлаш каби бир-биридан маъсулиятли ва кенг кўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларни қанчалик мувоффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир. Мана, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуроли можароларнинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Халқимизда “Қўшнинг тинч-сен тинч” деган мақол бежиз айтилмаган. Қўшни мамлакатлар ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади.

¹ Назрулла Жўраев. Агар огоҳ сен...Т., “Шарқ” 1998 йил, 176-178 бетлар.

² Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999 йил, 8-бет

Афғонистондаги мураккаб вазиятни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда. Айниқса, НАТО (СЕАП) ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатларни, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади. Ўзбекистоннинг бу таклифи ва ташаббуслари дунё сиёсий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланади. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда. Аввало, маҳаллий халқ, қайси миллат ва элатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ёрдам бериш лозим.¹ Энг муҳими, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини хурмат қилиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, аввало халқни хурмат қилиш, кейин унга ақл ўргатиш керак. Шу кунларда Афғонистон масаласи бўйича Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманда ана шундай ёндашув асосида умумий бир қарор қабул қилиниши ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Яъни, дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий хулосаларга келмоқда. Бу, ўз навбатида, Бухарест саммитида Ўзбекистон илгари сурган ташаббусларнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик қарор

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 28 январь

топиши учун жаҳон ҳамжамияти, авваломбор, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан, аввало, унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир. Ўзбекистон ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нибатан 6 баробарга оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахасислари томонидан “Термиз-Ҳайратон-Мозори Шариф” темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишонаманки, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида маъсулияти катта. Буни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.¹

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқлар тинчлигига раҳна солувчи терроризмнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий кураш олиб боришдан иборат. Давлатимиз ана шу мақсаб йўлида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, бир қатор давлатлараро ва ноҳукумат халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда, айти пайтда, бу ташкилотлар ишида фаол иштирок этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлаш, низоларни сиёсий чоралар билан бартараф этиш, Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш, нарқобизнесга қарши курашда саъй ҳаракатларни мувофиқлаштириш, Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 28 январь

конструктив ташаббусларини кўллаб-қувватламоқда.

Ўзбекистон пойтахти эндиликда нуфузли халқаро ташкилотлар иштирокидаги хавфсизлик, барқарорлик, тинчлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича муҳим халқаро анжуманлар марказига айланди. Мазкур анжуманларда қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ва долзарблиги жаҳон ҳамжамияти, жумладан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан эътироф этилаётганлигини Ўзбекистоннинг халқаро сиёсатдаги нуфузи ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Ҳозирги вақтга келиб жаҳон бир вақтлардагидек метрополиялар, мустамлакалар, қарам ва ярим мустақил давлатларга бўлинмай, балки тенг ва мустақил далавлар ҳамжамиятига айланмоқда. Ўзбекистон ҳам ушбу жараённинг фаол иштирокчиларидан биридир. Ана шулардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида БМТ доирасидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

XX асрнинг охирига келиб давлатлар ўртасидаги мувозанатни сақлашда ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларида-халқаро ташкилотларнинг роли катта аҳамият касб эта бошлади. Айниқса интеграция шароитида дунё ҳамжамиятининг шаклланиши, халқаро жинойтчилик ва унинг турли кўринишларига қарши жиддий кураш олиб боришда халқаро ташкилотларнинг яқин ҳамкорлиги жуда зарурдир. Халқаро ташкилотлар, универсал халқаро ташкилотлар яъни барча давлатлар қатнашиши учун очик бўлган, худудий (Регионал), яъни қандайдир йирик регионал давлатларни бирлаштирувчи ва маҳаллий бир неча давлатларни бирлаштирувчи турларга бўлинади. Ўз таркиби, фаолият соҳаси ва халқаро муносабатлардаги тутган ўрнига кўра энг универсал ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир.

XX аср охирида БМТ, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи томонидан ташкил этилган йирик халқаро анжуманларда кўрсатилганидек, халқаро жинойт ташкилотлар ўз жинойт фаолиятини юксалтириш ва

мукаммаллаштириш учун дунё мамлакатлари бўйлаб эркин ҳаракатланиш имкониятидан, либерал эмиграция ва иммиграция сиёсатидан, эркин савдонинг кенгайишдан, энг замонавий алоқа воситалари ва пулларни ўзлаштиришнинг мураккаб технологияларидан тобора кенг фойдаланмоқда.

Битирув ишида кўрсатилганидек минтақавий интеграцион жараёни муаммоларини ўрганиш натижасида бир қатор назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган хулосаларга келинди.

Интеграция бу аввало, давлатларнинг миллий манфаатлари, халқаро тинчлик, барқарорлик хавфсизлик ва ўзаро ҳамкорлик, жамоатчилик ўртасида ўзаро ишонч ва хайрихоҳликни таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий маданий жабҳалардаги глобал ҳамда регионал масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро тизимнинг босқичма босқич шаклланиш жараёни мажмуасидир.

Иккинчидан, интеграция жараёни давлатлар умуммиллий манфаатлари уйғунлиги ва муштараклигини ифода этувчи муҳим ҳаётий заруриятдир. Унинг турли макон ва замонда ҳар хил шакл ва формаларда ҳаётий заруриятга айланиш минтақадаги геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар ва турли ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатлари макроминтақавий интеграцияси назарий асосларини ривожлантириш ва унинг иқтисодий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий негизларини такомиллаштириб бориш; -минтақа халқлари тарихи ва маданияти, урф-одатлари муштараклигига интилиш; умуминсоний қадриятлар негизидаги минтақавий манфаатлар бирлигига хизмат қилувчи миллий баркамолликни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Минтақа давлатлари интеграцияси ички муаммолари ва унинг ўзига хос геосиёсий ва геоиқтисодий жихатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчилан, Марказий Осиё давлатлари интеграцияси Европа минтақасида руй бераётган сиёсий-иқтисодий ҳамкорликнинг интеграл қисми сифатида минтақа давлатларининг умумий иқтисодий ривожланиш

стратегиясини яратиш зарурияти хисобланади. Ушбу стратегияни ишлаб чиқишда қуйидаги омиллар муҳим рол ўйнайди:

-Халқаро иқтисодий ташкилотлар доирасида минтақа давлатларининг ўзаро келишилган позицияларини ишлаб чиқиш ва уларни доимий равишда қўллаб-қуватлаш;

-минтақада иқтисодий интеграцияга йўналтирилган икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларнинг бажарилишини амалий жихатдан кучайтириш зарур ва ҳоказолар.

Иккинчидан, минтақа давлатларни халқ хўжаликлари интеграцияси минтақавий иқтисодий интеграциялашувга ҳал қилувчи омил хисобланади. Шунинг учун халқ хўжалигининг биринчи даражали секторини қамраб олувчи ҳукуматлараро комплекс дастурлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Минтақа давлатлари ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришлари, сув энергетика соҳасидаги ягона ички бозорни вужудга келтиришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бугунги энергия тақчиллиги шароитида Қирғизистондаги “Қора-кеча”, Тожикистондаги “Зидди”, “Назар-Айлок”, “Хаками” каби кўмир конларини ишга солиш, 2002 йилда ташкил этилган МО сув-энергетика консорциуми фаолиятини жонлантириш бир қатор муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Учинчидан, минтақавий хавфсизликка таҳдидлар Марказий Осиё давлатлари интеграциясига салбий таъсир ўтказади. Шу сабабли минтақа давлатлари халқаро хавфсизликни таъминлаш механизмларини қўллашдан манфаатдордирлар.¹

Хуллас, Халқаро ташкилотлар билан мамлакатлараро сиёсий ҳамкорлик, улар ўртасидаги объектив ва онгли равишда ўрнатиладиган сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқалардан иборат бўлиб, у мамлакатларни дунё ҳамжамиятига интеграциялаштиради. Бундай

¹ Ч.Кўчаров. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан, 2008 йил, 177-179 бетлар.

хамкорликлар:

- умуминсоний кадриятлар устуворлигини тан олиш, инсон ва тинчликка, инсоният цивилизациясига энг олий кадрият сифатида муносабатда бўлиш;
- можароли масалаларни тинч йўл билан бартараф этиш, муаммоларни сиёсий музокаралар чоғида ҳал этиш;
- барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ҳар бир мамлакатда халқаро меҳнат тақсимотида, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимларини яратишда ўзининг муносиб ўрнини таъминлаш каби тамойилларга асосланади.

Хуллас, ўтказиладиган ҳар бир халқаро сиёсий анжуманлар ўзига хос характерга эга бўлиб, у дунё мамлакатларининг ҳар томонлама ҳамкорлигини белгилашда ҳам катта тарихий аҳамият касб этади.

Хулоса.

Битирув ишида кўрсатилганидек минтақавий интеграцион жараёни муаммоларини тадқиқ этиш натижасида бир қатор илмий, назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган хулосаларга келинди. Даставвал тадқиқотда таҳлил қилинган интеграция назарияси моҳиятини очиқ беришга йўналтирилган концепциялардан келиб чиққан ҳолда интеграция тушунчаси, қуйидагича таҳлил этилди.

Интеграция бу аввало, давлатларнинг миллий манфаатлари, халқаро тинчлик, барқарорлик хавфсизлик ва ўзаро ҳамкорлик, жамоатчилик ўртасида ўзаро ишонч ва хайрихоҳликни таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтисоий маданий жабҳалардаги глобал ҳамда регионал масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро тизимнинг босқичма босқич шаклланиш жараёни мажмуасидир.

Иккинчидан, интеграция жараёни давлатлар умуммиллий манфаатлари уйғунлиги ва муштараклигини ифода этувчи муҳим ҳаётий заруриятдир. Унинг турли макон ва замонда ҳар хил шакл ва формаларда ҳаётий заруриятга айланиш минтақадаги геосиёсий ва геоиқтисодий жараёнлар ва турли ўзгаришлар билан узвий боғлиқ бўлади.

Учинчидан, Марказий Осиё давлатлари макроминтақавий интеграцияси назарий асосларини ривожлантириш ва унинг иқтисодий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий негизларини такомиллаштириб бориш;
-минтақа халқлари тарихи ва маданияти, урф-одатлари муштараклигига интилиш; умуминсоний кадриятлар негизидаги минтақавий манфаатлар бирлигига хизмат қилувчи миллий баркамолликни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Минтақа давлатлари интеграцияси ички муаммолари ва унинг ўзига хос геосиёсий ва геоиқтисодий жихатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчилан, Марказий Осиё давлатлари интеграцияси Европа минтақасида руй бераётган сиёсий-иқтисодий ҳамкорликнинг интеграл қисми сифатида минтақа давлатларининг умумий иқтисодий ривожланиш

стратегиясини яратиш зарурияти хисобланади. Ушбу стратегияни ишлаб чиқишда қуйидаги омиллар муҳим рол ўйнайди:

-Халқаро иқтисодий ташкилотлар доирасида минтақа давлатларининг ўзаро келишилган позицияларини ишлаб чиқиш ва уларни доимий равишда қўллаб-қуватлаш;

-минтақада иқтисодий интеграцияга йўналтирилган икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларнинг бажарилишини амалий жихатдан кучайтириш зарур ва ҳоказолар.

Иккинчидан, минтақа давлатларни халқ хўжаликлари интеграцияси минтақавий иқтисодий интеграциялашувга ҳал қилувчи омил хисобланади. Шунинг учун халқ хўжалигининг биринчи даражали секторини қамраб олувчи ҳукуматлараро комплекс дастурлар ишлаб чиқиш муҳимдир.

Минтақа давлатлари ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришлари, сув энергетика соҳасидаги ягона ички бозорни вужудга келтиришлари мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, бугунги энергия тақчиллиги шароитида Қирғизистондаги “Қора-кеча”, Тожикистондаги “Зидди”, “Назар-Айлок”, “Хаками” каби кўмир конларини ишга солиш, 2002 йилда ташкил этилган МО сув-энергетика консорциуми фаолиятини жонлантириш бир қатор муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Учинчидан, минтақавий хавфсизликка таҳдидлар Марказий Осиё давлатлари интеграциясига салбий таъсир ўтказди. Шу сабабли минтақа давлатлари халқаро хавфсизликни таъминлаш механизмларини қўллашдан манфаатдордирлар.¹

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ички сиёсати “Инсон ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан улуғ” деган тамойил асосида амалга оширилади. Бу жараён ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, озчиликнинг кўпчилик

¹ Ч.Кўчаров. МОНинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан, 2008, 177-179 бетлар

иродасига бўйсунуши, шу билан бирга, озчилик фикрининг ҳам кўпчилик томонидан ҳармат этилиши каби демократик қоидаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, уларнинг ички ишларига арлашмаслик, умуминсоний кадрятларига содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни асраб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устунлиги каби тамойилларга амал қилади.¹

Хуллас, Халқаро ташкилотлар билан мамлакатлараро сиёсий ҳамкорлик, улар ўртасидаги объектив ва онгли равишда ўрнатиладиган сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги алоқалардан иборат бўлиб, у мамлакатларни дунё ҳамжамиятига интеграциялаштиради. Бундай ҳамкорликлар:

- умуминсоний кадрятлар устуворлигини тан олиш, инсон ва тинчликка, инсоният цивилизациясига энг олий кадрят сифатида муносабатда бўлиш;
- можароли масалаларни тинч йўл билан бартараф этиш, муаммоларни сиёсий музокаралар чоғида ҳал этиш;
- барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш;
- Ҳар бир мамлакатда халқаро меҳнат тақсимоотида, минтақавий ва глобал хавфсизлик тизимларини яратишда ўзининг муносиб ўрнини таъминлаш каби тамойилларга асосланади.

¹ Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар.Т. “Ўзбекистон” 2000 йил, 38-39 бетлар.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., “Ўзбекистон” 2001 йил.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 1995
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 1-жилд.
4. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон”, 1996 йил, 2-жилд.
5. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. “Ўзбекистон”, 1996йил, 3-жилд
6. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент, “Ўзбекистон”,1996 йил, 4-жилд
- 7.И.А.Каримов.Ўзбекистон ХХІаср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. “Ўзбекистон”, 1997йил.
8. И.А.Каримов.Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. Т. “Ўзбекистон” 1999йил.
9. И.А.Каримов.Тинчлик ва барқарорлик минтақамиз тараққиётининг бош омили. Т. “Ўзбекистон” 2000 йил
10. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т “Ўзбекистон”, 2002 йил, 10-жилд.
11. И.А.Каримов.Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. “Ўзбекистон”, 2008 йил, 16-жилд.
12. И.А.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил, 28 январь.
- 13.Абдуғаффор Қирғизбоев. Ўзбекистон Республикасининг Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлиги. Т.Фан, 2004 йил.
- 14.Акмал Саидов. Халқаро ҳуқуқ. Т. “Адолат”, 2001 йил.
- 15.Ахмедов Э., Саидаминова З.Ўзбекистон Республикаси. Т. “Ўзбекистон”

1995 йил.

16.Адхам Турсунов.Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ субъекти. Ҳуқуқий демократик ислоҳатлар. Т. “Ўзбекистон”, 1997 йил.

17. Анвар Бобоев. Ҳамкорлик ва ўзаро алмашув-умумий муаммоларни ечишнинг ягона йўли. “Халқ сўзи” газетаси, 2002 йил, 8 октябрь.

18.Анвар Бобоев. ЕТТБ анжумани: матбуот маркази очилди. “Ўзбекистон овози” газетаси, 2003 йил, 29 март.

19.Асадов Ш. Европа Иттифоқи: кеча,бугун, эртага. “XXI аср” газетаси, 2004йил, 15 апрель.

20. Гладков В.П. Международное общество: Утопия или реальная перспектива-журнал “Международная экономика и международные отношения ”-М. 1989,№6.

21.Гроций Г. О права войны и мира. СПб., 1900, С.12.

22.Дилигенский Г.Г. “Конец истории” или смена цивилизаций? Журнал “Вопросы философии” 1991 г. №3.

23.Кўчаров Ч. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т.Фан, 2004 йил.

24.Лукашук И.И. Международно-правовое регулирование международных отношений. М., “Международные отношения”. 1975.

25.Ляхов Е.Г. Терроризм и международные отношения. М. “Международны отношения”, 1991 г.

26.Муродов Х., Мухаммадиев Н., Жамолов Ғ., Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Т, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр.Т. 2000 йил.

27. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.Т. “Ўзбекистон” 2000 йил.

28.Музффаров З. Минтақавий интеграция расмана саъийи-ҳаракатларни тақозо этади. “Халқ сўзи” газ. 2004 йил, 8 апрель.

29.Манфред А.З. Наполеон Бонапарт. М., 1986 г.

30.Назрулла Жураев. Агар огох сен...Т. “Шарқ”, 1998 йил.

- 31.Семплен Ж. Выход из насилия: глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. М., 1990.
- 32.Тўраев Б., Убайдуллаев У.Ўзбекистон минтақада тинчлик ҳимоясида. Т. “Ўзбекистон” 2001 йил.
- 33.Усмонов Қ. Ўзбекистонинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви. Т.Молия, 2003 йил.
- 34.Цыганков П.А. Международный передок: между прошлым и будущим. Журнал, “Социально-политические науки”, 1991 г. № 12.
- 35.Ўзбекистоннинг янги тарихи (мустақил Ўзбекистон тарихи)Т. Шарк 2000йил, 3-жилд.
- 36.Ҳакимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.Т. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр. Т.2000йил.
- 37.Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи Т. “Янги аср авлоди”. 2007 йил.
- 38.Ғаффоров Я., Холлиев А. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т. “Университет”. 2003.